

Қашқадарё вилояти

ТАРАҚҚИЁТ

ЖИЛОЛАНГАН ИПАКДА ИНСОН МЕҲРИ БОР

Қарши шаҳридаги "Radiant silk" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси жамоаси Истиқлолимизнинг йигирма уч йиллик байрамига бағишлаб меҳнат ютуқларини тайёрлашмоқда. Ушбу корхонада 100 нафарга яқин ёшлар фаолият юритмоқда. Шундан 95 фоизини касб-хунар коллежини тамомлаган йигит-қизлар ташкил этади. Ёшларнинг шижоати билан корхона катта ютуқларга эришмоқда.



– Мен касб-хунар коллежини тамомлаб мазкур қўшма корхонага ишга келдим, – дейди Моҳинур Қаюмова. – Бу ерда тенгдошларим билан олган назарий билимларимизни амалиётда мустаҳкамлаёмиз. Корхона хузуридаги ошхонада бепул тушлик ташкил қилинган бўлиб, тушлик вақтида дам олишга ҳам имкон бўляпти.

– Миришкор маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тамомлаб ушбу қўшма корхонага ишга келдим, – дейди ишчи Моҳинабону Авлиёқуллова. – Бухоро шаҳрида малакамизни ошириб қайтдик. Бу ердан шарт-шароитлар талаб даражасида. Маҳсулот сифатига қараб маош оламиз. Истиқлол байрами арафасида кайфиятимиз янада аъло. Давлатимиз раҳбари томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган юксак ишонч ишга бўлган масъулиятимизни оширмоқда.

Қўшма корхонада технологик ускуналар йилга 420 тонна пиллани қайта ишлаб, 120 тонна хом ипак тайёрлаш қувватига эга. Энг муҳими, Қарши шаҳридаги "Кат", "Гунгон" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ёшлар билан бирга вилоятнинг Косон, Қарши, Касби, Миришкор туманларида касб-хунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар корхонага ижтимоий фойдали меҳнатга тортилди. Улар замонавий ускуналарни бошқаришни қисқа муддатда ўрганиб олишди. Шу боис, пиллани саралаш, ўраш, қайта ўраш (ипак), қадоқлаш цехларида иш унумдорлиги ва ишлаб чиқариш суръати юқори бўляпти. Бунга қўшма корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларидан ҳам билиб олиш мумкин. Биргина 2013 йилда вилоятнинг Чироқчи, Касби, Қамаш, Косон, Қарши туманларидаги фермер хўжалиқларидан шартнома

асосида 180 тонна қуруқ пилла олинди, ялпи даромад бир миллиард сўми, фойда эса 200 миллион сўми ташкил этди.

– 2014 йилдаги кўрсаткичларимиз ҳам чакки эмас, – дейди қўшма корхона бош хисобчиси Улугбек Тоғаев. – Мамлакатимиз мустақиллигининг катта шодибенасига муносиб меҳнат тўхфаси билан келяпмиз. Меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулот таннархида ижобий ўзгаришлар юз беряпти. Мамлакатимизда ипақдан атлас ва адрас матосини тайёрлайдиган тўқимачилик корхоналари ҳам мавжуд, қолаверса, янгилари барпо этилмоқда. Биз асосан вилоятимизда етиштирилган пиллани қайта ишлаш билан бирга Сурхондарё ва Бухоро вилоятларидан келтирилган хомашёдан ҳам ипак калаваси тайёрлаймиз. Бундан ташқари, корхонамиз соф фойда ҳисобидан мактаблар, вилоят реабилитация ва

соғломлаштириш марказларига хомийлик ёрдамларини кўрсатмоқда. Мустақиллик байрами арафасида Қарши туманидаги 9-, 10-, 43-, 44-, 45-умумтаълим мактаблари учун моддий ёрдам кўрсатилди. 2015 йил учун вилоятимиздаги бешта тумanning фермер хўжалиқлари билан камида 300 тонна пиллани қабул қилиш бўйича шартнома имзоланиши мақсад қилганмиз. Бу борада "Spectrum Sosoop" МЧЖ энг яқин ҳамкоримиз бўлади. Натижада қўшма корхонамизда экспорт салоҳиятини йўлга қўйиш юзга келади.

Ҳа, қўшма корхона тараққиётнинг ойдин йўлидан бормоқда. Келгуси йили бу ерда мато, гилам тўқиш технологиясини ўрнатилган режалаштирилмоқда. Бу эса яна 150 нафардан ортиқ иш ўрни яратилади дегани.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.
Акмал АЗИМОВ
олган сурат.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

23 yil



Mustaqillik bayrami muborak bo'lsin aziz yurtdoshlar!

Ulug' ayyom barchamizga tinchlik-totuvlik, oilaviy baxt va xotirjamlik olib kelishini tilagan holda quyidagi bank xizmatlarini taklif etamiz:

"Agrobank"da "CLICK" hisobraqamini oching va barcha to'lovlarni mobil aloqa yordamida amalga oshiring.

"SMS-BANKING" – hisobraqamingizdagi mablag'lar harakati to'g'risida doim xabardor bo'ling.

"INTERNET-BANKING" – to'lovlaringizni masofadan turib amalga oshiring.

Yuridik shaxslar uchun mo'ljallangan depozit sertifikatlari orqali pul mablag'laringizni ko'paytiring.

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi, 43.
Tel.:(8-371) 150-53-72; Faks: 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

○ Реклама ўрнида

«ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ «ПАХТА» НЕФТЬ БАЗАСИ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ барча юртдошларимизни, шу жумладан, соҳа ходимлари ҳамда фермерларни истиқлолимизнинг 23 йиллик байрами билан қизгин табриклайди.

Тошкент вилоятининг 5 та туманида фаолият юритаётган 1319 та фермер хўжалигига ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тизимли етказиб бераётган ушбу корхонанинг тажрибасини барча нефть базалари унитар корхоналари ўртасида оммалаштиришга тавсия этилган. Ушбу корхонада яратилган тизимнинг афзаллиги

шундаки, фермерларга хизмат кўрсатувчи гуруҳ аъзолари ҳамкорликни кучайтириш ва эҳтиёжни тўлиқ билиш мақсадида фермерлар билан бирга доимо далада юрадилар. Қайси фермерга қандай ёнилғи тури лозимлиги бўйича мониторинг асосида ўзлари буюртма беради. Талаб ва таклифларни раҳбари-

ятга етказиб туради. Фермерлар билан елкама-елка туриб ишлаш, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини узлуксиз, ўз вақтида етказиб бериш катта миқдорда иқтисод қилишни ҳам таъминламоқда. Бунинг учун туманларда 44 та ФЁТШ ҳамда 36 та ПАЗС-ёнилғи ташиш автоуловлар фаолияти йўлга қўйилган. Бундан

ташқари, корхона жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан Чиноз туманида табиий жихатдан шароити оғир ҳисобланган ерлар ободонлаштириб, интенсив боғ ва балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Ушбу ишларнинг барчаси, аввало, юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликдан, истиқлол шарофатидандир!



Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-иқтисодий таркибидоғи ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Улугбек УЗОҚОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баходир ХОЛИКОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-44-43, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:
236-26-50, 233-28-04.



Навбатчи муҳаррир:
С.САЙДИСЛОМОВ
Мусаҳҳис:
О.ОЧИЛОВ
Дизайнер:
Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-819, ҳажми 3 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.25
16276 нусхада босилди. Нашр индекси – 144

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.